

---

## ТОШЛОҚ ТУМАНИДА “РИЗҚ УНИ” МЧЖ ТОМОНИДАН БАРПО ЭТИЛГАН УН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Тошлоқ туманининг Тошлоқ МФЙ ҳудудида “Ризқ уни” МЧЖ томонидан барпо этилган ун ишлаб чиқариш корхонаси тантанали тадбир билан ишга туширилди. Очилиш маросимида вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров ва вилоят прокурори Бахтиёр Исмоилов иштирок этдилар.

Лойиҳани амалга оширишга корхона муассисларининг 10,5 миллиард сўм ўз маблағи йўналтирилди. Корхона Туркиянинг замонавий технологиялари билан жиҳозланган бўлиб, йиллик ишлаб чиқариш қуввати 22 минг тоннани ташкил этади. 30 дан зиёд иш ўрни яратилди. Ҳозирда маҳсулотлар асосан ички бозорга чиқарилмоқда.

Жамоатчилик ва нуронийлар иштирокида рамзий лента қирқилиб, янги корхона ишга туширилди ва меҳмонлар бу ердаги ишлаб чиқариш жараёнлари билан яқиндан танишдилар.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-03-03 16:04:27